

ШАРТНОМА № 11

«05» август 2022 йил

Қарши шахри

Кейнинг ўринларда «Буюртмачи» деб юритилган Қарши мұхандислик-иктисодиёт институти номидан низом асосида харакат күлгүчі институт Ректори О. Ш. Базаров бир томондан ва кейнинг ўринларда «Пудратчи» деб юритилувчи "Маматов Салохиддин" хусусий корхонаси раҳбари С. Маматов иккінчи томондан мазкур шартномани қуидаги ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига кўра «Буюртмачи» Қарши мұхандислик-иктисодиёт институти ўқув биносидағи **электр таъминоти ва ташки ёритиш тизимларини жорий таъмирлаш** ишлари учун лойиха асосида 161 496 636 (Бир юз олтмиш бир миллион турт юз туксон олти минг олти юз уттиз олти) сўмга бажариб беришни ўз зиммасига олади.
- 1.2. «Буюртмачи» эса «Пудратчи» га қурилиш ишларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни, тегишли лойиха хужжатлари билан таъминлаш, бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун тегишли тартибда қабул килиб, тўлов ишларини асосан ошириш мажбуриятларни ўз зиммасига олади.
- 1.3. Жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати 2022 йил 5 август ойидан 2022 йилнинг 31 декабргача.

2. ШАРТНОМА БАХОСИ

- 2.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган жорий таъмирлаш ишлар қийматини ўз ичига олган ҳолда 161 496 636 (Бир юз олтмиш бир миллион турт юз туксон олти минг олти юз уттиз олти) сўм.
- 2.2. Таъмирлаш ишлари ва муддати мазкур шартномада назарда тутилиши мумкин бўлган қурилиш ҳажмининг ошиши ёки камайишини жорий таъмирлаш ишлари бажарилгунга қадар томонларнинг ўзаро келишувига асосан амалга оширилади.
- 2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирдагина шартнома баҳосига оид ўзгартиришлар шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАР

«Пудратчи»:

- 3.1. Барча жорий таъмирлаш ишларини мазкур шартномага илова қилинган лойиха хужжатларида кўрсатилган ҳажмда ва белгиланган муддатда ўзининг кучларини ёки жалб қилинган учинчи шахслар ёрдамида бажариш ҳамда шартларига кўра «Буюртмачи»га топшириш.
- 3.2. «Буюртмачи» етказиб берган ва ўз кучи маблағи эвазига ташиб келтирилган қурилиш материаллари ва конструкцияларини уларга зарар етмаган ҳолда сақлаш.
- 3.3. Жорий таъмирлаш ишлари бажарилаётган обьектда экология ва тозаликка риоя этган ҳолда техника ва ёнгин хавфисизлиги тадбирларини таъминлаш.
- 3.4. Ўзи томонидан келтирилган қурилиш материалларининг лойихада назарда тутилган талабларга (стандарт ва х.к) жавоб берини таъминлаш.

«Буюртмачи»:

- 3.5. Календар иш режасида белгиланган тартибда лекин шартнома имзоланган кундан эътиборан 3 кун муддат ичиде обьект майдони ва лойиха хужжатларини «Пудратчи» га топшириш.
- 3.6. Шартномада назарда тутилган миқдорда ва муддатда бажарилган иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш ишлари учун «Пудратчи» га ҳақ тўлаш.
- 3.7. «Пудратчи» нинг ёзма талаб, илтимос тўлов ва эътиrozлари 3 кунлик муддат ичиде ўрганилиб чиқиб муносабат билдириш.
- 3.8. Календар иш режаси асосида бажарилган ишларни тегишли тартибда қабул қилиб олиш.

4. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

- 4.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига асосан бюджет ташкилотларини товар (иш.хизмат) етказиб берувчилар билан тузилган шартномалари мажбурий тарзда Газначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтиказилгандан сўнг бажариладиган ишлар бўйича 3 кун ичиде олдиндан 30 % тўлов амалга оширилади ва колган 70 % тўлови тақдим этилган бажарилган ишларни тасдиқловчи Ф-3, Ф-5 га асосан амалга оширилади.
- 4.2. Бажарилган ишларда аниқланган камчиликлар бартараф этилмагунга қадар тўлов ишлари кечикирилиши мумкин.

5. ИШЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ ВА КАФОЛАТ МУДДАТИ.

- 5.1. «Буюртмачи» қурилиш обьектига ўз вакили «Техник назоратчи»ни тайинлади. У «Буюртмачи» номидан ишларнинг ҳажми ва сифати, материаллари ҳамда бошқа ашёларни шартнома шартлари ва лойиха хужжатлари талабларига мослигини текшириб, бажарилган ишлар далолатномасини расмийлаштиради.
- 5.2. Жорий таъмирлаш ишлари мазкур шартномага илова қилинган иш графиги, календар иш режасига кўрсатилган муддатгача «Пудратчи» томонидан бажарилади.
- 5.3. Қурилиш майдонида бажарилган иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш ишларини лойиха хужжатлари ва қурилиш қонун қоидалари талабларига жавоб бериш учун «Пудратчи» маъсул саналади.
- 5.4. Объект ва унга кирадиган мұхандислик тизимларини қурилиш материаллари, жиҳозларидан фойдаланиш ва ишларини кафолатлик муддати томонлар қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолагандан сўнг 12 ой обьектнинг кафолатли муддати белгиланади.
- 5.5. Сифатсиз бажарилган ишларни қайта тиклаш учун сарф қилинган қўшимча харажатлар шартнома қийматидан ташқари бўлиб, айборд ҳисобидан копланади.
- 5.6. Сифатсиз ва камчилик билан бажарилган иш аниқланганлиги хусусидаги далолатнома билан томонлар келиша олмасалар, экспертиза тайинланади ёхуд иктисодий суд тартибида ҳал қилинади.

6. ҚУРИЛИШНИ КОНСЕРВАЦИЯЛАШ ВА ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

- 6.1. Курилишни консервациялашда тарафлар мажбуриятларининг ижро муддатини бартараф этиб бўлмайдиган вазият (форс-мажор) 1 ойдан ортиқ давом этадиган бўлса, курилишни номаълум муддатга тұхтатиш (консервациялаш) учун чора-тадбирларни кўриши муҳокама этадилар. Бир тўхтамга келинmasa, 2 ой мобайнида тарафлар шартномани бекор қилишини талаб қилишга хаклидиirlar.
- 6.2. Агарда томонлар мажбуриятларини кисман ёки тўла ижро эта олмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаражатлар, бошқа бартараф этиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса, Ушбу ҳолатлар шартнома ижросига бевосита таъсир этадиган бўлса, томонлар шартнома бўйича мажбуриятларини кисман ёки тўла ижро эта олмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.
- 6.3. Курилиш обьектга тўлалигича консервация қилиш ҳакидаги карор килинган кунга қадар бажарилган ишлар ҳақи тўлиқ тўланади.

7. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

- 7.1. «Буюртмачи» «Пудратчи» нинг айби билан курилиш график режаси ва лойиха шартларида кўрсатилган ишларнинг бажарилиши бир ойдан ортиқ вақтга тўхтатилганда, иш сифати бузилганда, «Пудратчи» юридик шахс сифати қонунда белгиланган тартибларда аникланганда, аникланган камчиликларни бартараф этишдан асоссиз бош тортганда қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.
- 7.2. «Пудратчи» «Буюртмачи» томонидан асоссиз равишда 1 ойдан ортиқ вақт мобайнида курилиш ишлари тўхтатилиб қўйилганда, молиялаштириш тўхтатиб қўйиш хукуқига эгадир.
- 7.3. Шартноманинг бекор қилиш ҳакидаги талаблар бир-бирини ёзма равишда хабардор қилинган ҳолда 1 ойлик муддат ичидаги кўриб чиқилиб, ҳал қилинади. Шартноманинг асоссиз бир томонлами бекор қилинишига йўл қўйилмайди.
- 7.4. Шартноманинг бекор қилинганда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарар ва бой берилган фойдани тўлайди.

8. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 8.1. Ушбу шартнома шартларини бажармаган, ёхуд лозим даражада бажармаган тараф Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август «Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий хукуқий базаси тўғрисида» ги қонунининг 24-36-моддалари нормаларига асосан жавобгарликка тортилади.

9. АЛОХИДА ҚОИДАЛАР.

- 9.1. «Пудратчи» ўз кучи маблағи билан олиб келган курилиш материаллари ва бошқа ашёларнинг шартнома ва ҳамда лойиха талабларига мос келиши ҳақида сертификат техник паспортлари бўлишини таъминлаши шарт.
- 9.2. Курилиш материаллари ва бошқа ашёлар «Пудратчи» томонидан марказлаштирилган омборлар орқали «Пудратчи» нинг ёзма (требование) орқали берилади.
- 9.3. Жорий таъмиглаш ишларини бажариш учун зарур бўлган транспорт воситалари маҳсус транспортлар «Ёрдамчи пудратчи» ихтиёрида бўлмаса, «Пудратчи» томонидан марказлаштирилган усулда таъминланади.
- 9.4. Курилиш материаллари ва бошқа ашёлардан ҳамда транспорт воситаларидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш шартнома доирасида амалга оширилади.
- 9.5. Шартнома лойиха ҳамда қонун талабларига жавоб бермайдиган материал ва ускуналардан фойдаланиш таъкиланади.

10. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ.

- 10.1. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш иккала томонни розилигига асосан ёзма равишда билдирилади.

11.ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

- 11.1. Шартноманинг амал қилиш муддати шартнома икки томон ўртасида имзоланиб, Фазначилик бўлинмаси томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб юридик кучга эга бўлади ва 2022-йил 31 декабргача амал қилади.

12. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ.

“Пудратчи”

Номи: "Маматов Салоҳиддин" хусусий корхонаси
Манзили: Чирокчи тумани Паканди қишлоғи
Шх/р 20208000500265266001
СТИР: 302747681, ҚҚС х/р: 310140042799
МФО 01084
Х/р: 23402000300100001010
Банк: Туронбанк Чилонзор филиали

Рахбар:

С.Маматов

М.У.

Тел.рақами: (99890) 902-99-35

“БЮОРТМАЧИ”

ҚАРИШИ МУҲАНДИСПИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ҚАРШИ Ш. МУСТАҚИЛЛИК 225-УЙ
СТИР: 200666914 ОКОНХ: 92110
Ш.Х.Р.: 40091086010401709410007002
МОРИЯ ВАЗИРЛИГИ ГАЗНАЧИЛИГИ
СТИР: 2000300100001010
ИМАРЛАМСАГИ БАНКИ ШОШКЕНТ Ш. БОШ БОШҚАРМАСИ
СТИР: 201122919



Ректор: О. Ш. Базаров

Тел.раками (Факс): 75 221-09-23

«ТАСДИКЛАЙМАН»



КМИИ молия-иқтисод
проректори, Комиссия раиси

С.Ф.Маматов

«05». 08 . 2022 йил

№ 1.

Картилахри

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти электор таъминоти ва ташқи ёритиш тизимларини жорий таъмирлаш танлов асосида шартнома тузиб сотиб олишни ташкил қилиш комиссиясининг

ТАНЛОВ КОНКУРС БАЁНИ :

Комиссия раиси Молия иқтисод
ишлари бўйича проректори

С.Маматов

АЪЗОЛАРИ:

ТФ ва ХБ бошлиғи

А.Абдиназаров

Бош хисобчи

Ғ.Набиев

Бош муҳандис

М.Рузиев

ТФ ва ХБ муҳандис

Д.Қодиров

Кун тартибида куриладиган масала:

Институт ўқув биносида мавжуд бўлган барча электор таъминоти ва ташқи ёритиш тизимларини жорий таъмирлаш ишлари учун 2022 йил августъ ойлари “Маматов Салоҳиддин” хусусий корхонаси билан шартнома қилиш ва шартномани тасдиқлаш тўғрисида.

Комиссия танлов конкурсга қатнашган вакилларнинг таклифларини кўриб чиқиб, электор таъминоти ва ташқи ёритиш тизимларини жорий таъмирлаш бўйича 2 та хусусий корхона қатнашаётганлигини эълон қилди. Улар куйидагича:

Танлов конкурс бўйича 2022 йил 01 августъ кунида лот №127432. сонли протокол эълон қўйилгандан кейин 2 та ташкилот ўзини таклифлари билан қатнашди ва энг юқори балл “Маматов Салоҳиддин” хусусий корхонаси олди ва 2 кун мухокамага қўйилди хамда бошка эътиrozлар бўлмагандан кейин “Маматов Салоҳиддин” хусусий корхонаси билан шартнома тузилди.

ТАНЛОВ КОНКУРС КОМИССИЯ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Маматов Салоҳиддин” хусусий корхонаси ғолиб деб топилсин.

2 “Маматов Салоҳиддин” хусусий корхонаси томонидан тавсия этилган электор таъминоти ва ташқи ёритиш тизимларини жорий таъмирлашга шартнома ишларни бажарилишини назоратга олиш хужалик мудири А.Абдиназаровга топширилсин.

3. Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилиш бош хисобчи Ғ.Набиевга юклатилсин.

Комиссия аъзолари:

А. Абдиназаров

Ғ. Набиев

М. Рузиев

Д. Қодиров

O'zbekiston Respublikasi
Advokatlar palatasi
Qarshi shahar Nasaf huquq
maslahatchisi advokatlar hay'ati



Палата адвокатов
Республики Узбекистан
Адвокатский коллегия "Насаф
хукуқ маслаҳатчиси" города Карши

180108, Qarshi shahar, Нурбог ко'часи, 230^A-уу 7-хона. Tel.: + (99897)312 63 63

5 август 2022 йил

Қарши мухандислик иқтисодиёт институти
 билан "Маматов Салоҳиддин" хусусий
 корхонаси ўртасидаги 2022 йил 5 август
 кунги №11-сонли шартнома юзасидан

ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Мен М.Холмирзаев Қарши шаҳар "Насаф хукуқ маслаҳатчиси" адвокатлар
хайъатида № KS000040-сонли лицензия асосида фаолият қўрсатаман.

Шартномага кўра, Қарши мухандислик иқтисодиёт институти билан
"Маматов Салоҳиддин" хусусий корхонаси ўртасидаги 2022 йил 5 август
№11-сонли шартномаси билан танишиб қуидагиларни,

АНИҚЛАДИМ:

Ушбу шартнома бўйича "Маматов Салоҳиддин" хусусий корхонаси Қарши
мухандислик иқтисодиёт институтининг буюртмасига мувоғик хамда нуксон
далолатномаси асосида электр таминоти ва ташки ёритиш тизимларини таъмиrlаш
ва ўриятиш ишларини бажариш назарда тутилган. Шартнома киймати 161.469.636
сўмни ташкил қиласди.

Карши мухандислик иқтисодиёт институти "бажарувчи"дан спецификация
асосида бажарилган ишларни қабул қилиб олишга ва тўловларни амалга оширишга
келишилган бўлиб, шартнома шартлари, жумладан, мажбуриятларни бажариш
тартиби ва муддатлари, тўлов муддатлари, жавобгарлик масалалари, тарафларнинг
хукуқ ва мажбуриятлари, низоларни хал қилиш тартиби, қўшимча ва
ўзгаришишлар киритиш тартиби ва бошқа шартлар Ўзбекистон Республикаси
Фуқоролик кодеси, Ўзбекистон Республикасининг 29 август 1998 йилдаги «Хўжалик
юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги
конун нормалари талаблари асосида тузилган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 353,357 ва 386
моддаларига асосланниб

ХУЛОСА ҚИЛАМАН:

Қарши мухандислик иқтисодиёт институти билан "Маматов Салоҳиддин"
хусусий корхонаси ўртасидаги 2022 йил 5 август кунги №11-сонли шартномаси
Ўзбекистон Республикаси конун талабларига мос равишда тузилган деб
хисоблайман.

Қарши шаҳар "Насаф хукуқ маслаҳатчиси"
адвокатлар хайъати адвокати:-



М.Холмирзаев.